

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12. 2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДАЛОВ УМИДБЕК МАТНИЯЗОВИЧ

ЎЗБЕКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ТУРМУШ ТАРЗИДА
ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ
(Хоразм воҳаси материаллари асосида)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Абдалов Умидбек Матниязович

Ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида зардуштийлик излари
(Хоразм воҳаси материаллари асосида).....3

Абдалов Умидбек Матниязович

Следы зороастризма в традиционном образе жизни узбеков (на материалах
Хорезмского оазиса)25

Abdalov Umidbek Matniyazovich

Traces of Zoroastrianism in the traditional way of life of Uzbeks (based on
materials from the Khorezm oasis).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....52

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12. 2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДАЛОВ УМИДБЕК МАТНИЯЗОВИЧ

ЎЗБЕКЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ТУРМУШ ТАРЗИДА
ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ
(Хоразм воҳаси материаллари асосида)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.PhD/Tar60 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда “Ziyonet” (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аширов Адҳамжон Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Улуғбек Сайданович
тарих фанлари доктори, профессор

Бўриев Очил Бўриевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Хоразм Маъмун академияси

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD03/30.12.2019.Tar.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус ш., Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99361)223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@gmail.ru.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99361)223-60-49; Факс: (361) 223-60-49.)

Диссертация автореферати 2020 йил “ ” кунни тарқатилди.
(2020 йил “18” 12 даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Р.Б. Баллиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

М.М. Давлетияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Б.А. Қошанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсоният бугунги кунда глобаллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Ушбу жараённинг кўплаб ижобий ва салбий жиҳатларини алоҳида қайд этган ҳолда, турли миллатлар, тил, урф-одат ва анъаналарга ҳам сезиларли таъсир қилмоқда. Глобаллашув жараёнлари таъсири натижасида дунё халқлари маданияти ўзаро уйғунлашиб, миллий чегаралар ўзининг миллий ўзликка хизмат қилишдек азалий аҳамиятини кўлдан бой бериб, ана шу вазиятда аксарият миллатлар, миллий тиллар ва ноёб урф-одатлар йўқолиб, тарих қаърига юз тутаётганлиги ҳам сир эмас. Гарчи, ушбу муаммога *БМТ*, *ЮНЕСКО* сингари халқаро ташкилотлар бефарқ бўлмаса-да, бироқ унутилиб бораётган урф-одатларни сақлаб қолиш муаммоли масала ҳисобланади.

Дунёда турли этносларнинг қадимий ва ноёб урф-одатларини илмий асосда ўрганиш борасида ўтган асрлардан бошлаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ушбу жараён ҳали-ҳануз қизгин давом этмоқда. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар ранг-баранг кўринишга эга бўлиб, этномаданий генофондни сақлаб қолиш муаммолари, этномаданий ўзликни англашнинг тарихий, этнологик, фалсафий ва психологик жиҳатлари, этнослар турмуш тарзида архаик анъаналар ҳамда урф-одатлар ва қадимий эътиқодий унсурларнинг намоён бўлиши сингари қатор масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб полиэтник ва кўп конфессияли маданият қарор топиб, турли этнослар биргаликда истиқомат қилган ҳамда улар ўз эътиқодий қарашларига эга бўлган. Гарчи, эътиқодлар хилма-хиллиги анъанага айланган бўлса-да, тарихнинг муайян даврларида у ёки бу эътиқод устун мавқени эгаллаган ҳолатлар ҳам истисно эмас. Ана шундай диний эътиқодлардан бири – зардуштийлик бўлиб, гарчи ислом дини кириб келгач, унинг мавқеи пасайиб кетган бўлса-да, аммо кундалик урф-одат ва маросимлар таркибида зардуштийлик излари исломий қарашлар билан аралаш тарзда сақланиб қолган. Ўтган узоқ давр, айниқса, замонавий тараққиёт таъсирида урф-одат, анъана ва маросимларда кескин трансформация жараёнлари содир бўлаётганлигидан келиб чиқиб, Хоразм воҳаси мисолида ўзбек халқи кундалик турмуш тарзида сақланиб келаётган зардуштийлик эътиқодига хос унсурларни этнографик материаллар асосида ўрганиш тарихий-маънавий меросни асраб-авайлашга хизмат қилиб, танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш

Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2014 йил 21 июлдаги 200-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарида сақланиб қолган зардуштийлик изларини ўрганишда мавзуга оид манба ва тадқиқотларни илмий аҳамиятига кўра, хронологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Қадимги ва ўрта асрлар ёзма манбалари ҳамда XX аср бошларигача бўлган даврдаги тадқиқотлар;

2. XX асрда олиб борилган илмий тадқиқотлар ва турли нашрларда зардуштийлик муаммосининг ёритилиши.

3. Мустақиллик даврида бажарилган тадқиқотларда мавзунинг ёритилиши.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ҳақида диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфида батафсил маълумот берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Урганч давлат университети Хоразм Маъмун академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №Ф1-ФА-О-16549 – “Хоразм тарихи (I жилд. Энг қадимги даврлардан V асргача. II жилд. V асрдан XVI асргача)” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзидаги зардуштийлик изларини тарихий-этнографик материаллар асосида тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбеклар турмуш тарзида мавжуд бўлган зардуштийлик билан боғлиқ анъана, маросим ва урф-одатларнинг назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этиш натижаларини умумлаштириш, муаммони тарихшунослик нуқтаи назаридан илмий ўрганиш, зардуштийликка оид урф-одат ҳамда маросимларни таснифлаш;

ўзбекларнинг анъанавий хўжалик ҳаёти, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги ҳамда моддий маданиятида мавжуд зардуштийлик унсурларини ўрганиш, аграр культларни ўзаро қиёслаш ва уларнинг уйғунлашуви масаласини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

Хоразм воҳаси ўзбекларининг оилавий турмуш тарзи, фарзанд туғилиши ва бола тарбияси билан боғлиқ урф-одатлари ҳамда никоҳ тўйи, мотам ва тақвимий маросимларида сақланиб қолган зардуштийлик анъаналарини яхлит тарзда ўрганиш, объектив ва субъектив омиллар ҳамда глобаллашув жараёнлари таъсирида уларнинг трансформациялашув сабабларини очиқ бериш;

Хоразм воҳаси аҳолиси орасида сақланиб қолган зардуштийлик билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг бугунги кундаги кўринишларини айнан шунга ўхшаш удумлар амал қилиб келаётган Республиканинг бошқа ҳудудларидаги ҳолатлар билан, урф-одат ва маросимларнинг моҳиятини эса исломий ақидалар билан қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм воҳасида яшовчи ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзи, анъана, маросим ва урф-одатларида намоён бўлувчи зардуштийлик эътиқодига хос унсурлар ҳамда уларнинг ўзига хос минтақавий хусусиятлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзидаги зардуштийлик билан боғлиқ қарашлар, урф-одат, анъана ва маросимлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, фанлараро ёндашув, қиёсий таҳлил, компаратив таҳлил, интервью, анкета-сўровнома, шахсий кузатув каби тадқиқот усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зардуштийлик динига оид тадқиқотлар назарий-услубий жиҳатдан фанлараро ёндашув (*тарих, археология, этнология* ва *фалсафа*) асосида ушбу диний эътиқоднинг тарихий асослари, локал хусусиятларини ривожланиш босқичлари ҳамда ўзбек халқи турмуш тарзидаги излари аниқланган;

Хоразм воҳаси аҳолиси анъанавий дунёқараши, маросимий турмуш тарзини зардуштийлик культлари билан компаратив (қиёсий) таҳлили асосида воҳада қадимий эътиқодий қарашларнинг генетик ворисийлиги ҳамда маҳаллий аҳоли турмуш тарзида маросимий дунёқараш симбиози сифатида намоён бўлиши кўрсатиб берилган;

Хоразм воҳаси аҳолиси анъанавий хўжалик машғулоти (деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик) ва моддий маданияти (кийимлари, таомлари ва тураржойлари)даги зардуштийлик анъаналари изларини этнографик аспектда ўрганиш асосида воҳада кенг тарқалган “*ҳақулло*”, “*янголик*”, “*чилла гўйнак*”, “*халиса*”, “*сочув*”, “*тирноқ тўй*”, “*қўқин оши*” каби маҳаллий урф-одатларнинг тарихий асослари очиқ берилган;

ўзбекларнинг экологик маданияти зардуштийликнинг экологик концепцияси (*сув, олов, ер* ва *ҳавонинг мусаффолиги*) билан боғлиқ бўлиб, воҳа аҳолиси анъанавий турмуш тарзида маросимлар (оилавий ва тақвимий)да исломий қарашлар билан синкретлашган ҳолда сақланиб қолганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзидаги зардуштийлик излари мавзуси тарихшунослигига оид бугунга қадар тўпланган илмий маълумотлар илк бор умумлаштирилган;

тадқиқотнинг фанлараро (этнография, археология, манбашунослик ва фалсафа) боғлиқлик хусусияти ишнинг амалий аҳамиятини белгилаб берган;

мазкур тадқиқот орқали тарихий-қиёсий таҳлил тамойиллари асосида янги илмий қарашлар ва ёндашувлар илгари сурилган;

тадқиқотнинг илмий натижалари асосида мақолалар нашр этилган, тарихчи мутахассислар тайёрлаш ва инновацион ғояларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Хоразм воҳаси ўзбеклари ижтимоий турмуш тарзида сақланиб қолган зардуштийлик анъаналари билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни ўрганишда бирламчи ёзма манбалар, илмий адабиётлар ҳамда замонавий ёндашувлардан фойдаланилганлиги, холислик тамойилларининг қўлланилганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қадимги урф-одат, анъана ва эътиқодий муносабатлар унсурларининг кундалик турмуш тарзида намоён бўлиш масаласини ўрганишда фанлараро ёндашувлар ҳамда янгича назарий қарашлардан фойдаланиш тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгилаши ҳамда қайд этилган маълумотлар ота-боболаримизнинг қадимий диний урф-одатлари тарихининг илдизлари теран эканлигидан далолат бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқининг қадимий эътиқодий қарашлари, маданияти тарихини кенг тарғиб қилишда, зардуштийлик дини ва маросимлари тарихи, халқимизнинг оилавий, тақвимий маросимлари тарихи ва экологик маданияти ҳамда Хоразм тарихига бағишланган махсус сайтлар яратишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мавзуга доир олиб борилган тадқиқотлар юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига асосан номоддий маданий меросга доир устувор вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, тегишли хужжатларни йиғиш Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг асосий фаолият йўналишларидан биридир. Тадқиқотчи томонидан тўпланган маълумотлар “Авеста” музейига ташриф буюраётган зиёратчилар, айниқса, ёшларга Ватан тарихини билиш, ўзликни англаш ва боболар меросидан фахрланиш туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2020 йил 20 февралдаги 01-25-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар маданий меросни сақлаш,

аҳоли ўртасида номоддий ва моддий маданиятга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга етказиш ва миллий меросни кенг миқёсда тарғиб қилишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилган;

Хоразм воҳаси ўзбеклари турмуш тарзида сақланиб қолган зардуштийлик анъаналари билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида 2012–2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-16549-рақамли “Хоразм тарихи (I жилд. Энг қадимги даврлардан V асргача. II жилд. V асрдан XVI асргача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳада ёзма манбалардаги зардуштийликка оид маълумотлар, хорижий, совет даври ва маҳаллий тадқиқотчилар асарларидаги ушбу дин билан боғлиқ анъаналар ҳақидаги маълумотларни қиёсий ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги №3/1255-1980-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий натижаларнинг қўлланилиши Хоразм воҳаси ўзбеклари турмуш тарзида зардуштийлик излари билан боғлиқ анъана ва маросимларни ёритишда илмий асос вазифасини бажарган;

Ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида сақланиб қолган зардуштийлик излари Хоразм воҳаси материаллари асосида кўриб чиқилган, ҳозиргача Хоразм воҳаси ҳудудларида сақланиб қолган зардуштийлик анъаналари билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар масалалари юзасидан ишлаб чиқилган хулосалар ва тавсиялар асосида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган дастурлар сценарийсини (2020 йил июн-июл ойларида) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканали ДУКнинг 2020 йил 27 августдаги 04-25-797-сонли маълумотномаси). Диссертациянинг асосий натижалари Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, халқимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, Хоразм моддий-маънавий маданиятини кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидаги журналларда 10 та (улардан 7 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) мақолалар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, усуллари тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Зардуштийлик дини тарихи, назарий-методологик тадқиқи ва тарихшунослиги”** деб аталган биринчи бобида ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида зардуштийлик излари билан боғлиқ назарий-методологик ёндашувлар, мавзу билан боғлиқ манба ва илмий адабиётлар хусусиятлари таҳлил қилинган. Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авеста” мазмунини қамраб олган тарихий маълумотлар акс этган монография, тўплам ҳамда мақолалар нашр қилинган¹. Уларда зардуштийлик дини тарихи, анъана ва маросимлари этнологик, археологик ва фалсафий тадқиқот услублари нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниб, муаммонинг назарий-методологик асослари очиб берилган.

Этнографик материалларнинг ёзма тарихий манбалар ва археологик маълумотлар билан қиёсланиши зардуштийлик динининг шаклланиши муаммосини ҳал қилишда қўшимча омил вазифасини бажаради. Шунинг баробарида этнографик материалларнинг қиммати ҳам муҳим ҳисобланади. Айнан Хоразм воҳаси этнографиясида исломдан аввалги шундай маросим ва эътиқодлар мавжудки, уларни зардуштийлик динига мурожаат қилмасдан тадқиқ қилиш ва англаш қийин. Кўплаб этнографик маросимлар генетик жиҳатдан зардуштийликка бориб тақалади, бироқ ўз навбатида, айрим жиҳатлари ибтидоий динларга ҳам алоқадорлиги сезилиб туради.

Қадимги Хоразм воҳаси худудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар маълумотлари орқали воҳа ўзбеклари ижтимоий-маънавий ҳаётида зардуштийлик анъаналарининг сақланиб қолганлигининг сабаб ва моҳиятини англаш мумкин. Хоразм аҳолисининг диний қарашларида мазкур таълимотнинг таъсири дафн маросимларида яққол сезилган бўлса ҳам, Хоразм воҳасида зардуштийлик бутунлай устунлик қилган дин эмас эди.

Умуман олганда, археологик тадқиқотлар антик ва илк ўрта асрлар Хоразм ёдгорликларида зардуштийлик дини таъсири яққол сезилишини тўла

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: Наука, 1948; ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М–Л.: АН СССР, 1948; Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. – М.: Наука, 1971; ўша муаллиф. Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1974; Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – М.: Наука, 1978. – 95 с.; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969; ўша муаллиф. Под небом Хорезма. – М.: Мысль, 1973. – 160 с.; Лобачева Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // Краткие сообщ. Института этнографии им. Миклухо-Маклая. – Вып. 34. – М., 1960. – с. 39–48.; ўша муаллиф. Формирование новой обрядности узбеков. – М., 1960; ўша муаллиф. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 298–329.; Сухарева О.А. О культе мусульманских святых в Средней Азии // Труды Института истории и археологии АН УзССР. В. 2-х томах. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1951. Т.2. – С. 159–178; ўша муаллиф. Ислам в Узбекистане. – Ташкент: АН УзССР, 1960. – 240 с.

тасдиқлайди. Мазкур маълумотларни этнографик материаллар билан қиёсий таҳлил қилиш асосида Хоразм воҳасида зардуштийлик анъаналари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳосилдорлик эътиқоди олов ва аждодлар руҳига сиғиниш одатларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, зардуштийлик дини мазмунини қамраб олган тарихий маълумотларга фалсафий нуқтаи назардан ёндашилган тадқиқотлар ҳам юзага келган.

Зардуштийлик билан боғлиқ культлар ва маросимлар муаммоси тарихшунослигида Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий турмуш тарзида сақланиб қолган зардуштийлик излари учта гуруҳга бўлиб таҳлил қилинган.

Биринчи гуруҳга қадимги ва ўрта асрлар ёзма манбалари, жумладан, “Авеста” ва уни ўрганишга доир тадқиқотлар ҳамда XX аср бошларигача бўлган даврда амалга оширилган илмий тадқиқотлар маълумотлари киради².

Иккинчи гуруҳ адабиётларини совет даврида, яъни 1917–1991 йилларда амалга оширилган тадқиқотлар ташкил этади. Мазкур даврда, айниқса, деярли ярим аср мобайнида фаолият олиб борган Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзоларининг комплекс тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди³.

² Исҳоқов М.М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби // “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2000. – Б. 7; Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1 т. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 231, 233–252; Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. 3 т. – Тошкент: Фан, 1963. – 212 б.; Наршахий Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 26–27; Anquetil-Duperron A. H. Zend-Avesta. Ouvrage de Zoroastre. T. I–II. – Paris, 1771. – 432 et 810 p.; Papers in Honour of Prof. Mary Boyce. Vol. 24–25. – Leiden, 1985; Bio-bibliographies de 134 Savants (Биография и обзор работ М. Бойс) // Acta Iranica. Vol 20. – Leiden, 1979. – 61 p.; Мэри Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи. М: Наука, 1987. – 302 с.; Darmesteter J. Etudes iraniennes. Philo Pres. – Amsterdam, 1971; ўша муаллиф. Le Zend-Avesta. 1–3 vols. – Paris: Maisonneuve, 1960; Mole M. La Légende de Zoroastre. – Paris: Peeters. 1993; Humbach H. (Rev.) Boyce M.A. Persian Stronghold of Zoroastrianism // Orientalische Literaturzeitung. – 1984. – №2; Klenker. Zend-Avesta, 3 vol. – 1776; Burnouf E. Commentaire sur le Yasna. – Paris, 1833; Wilson J. The Parsi religion as contained in the Zend-Avesta. – Bombay, 1843; Jackson A.V. Persia past and present. – N.Y., 1906; Moulton J.H. Early religious poetry of Persia. – Cambridge, 1911; Wolff F. Avesta. Die neiligen Bucher der Parsen.– Strasburg, 1910; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература. 2003. – 193 с.; ўша муаллиф: Путевые заметки майора Бланкеннагелья в Хиву в 1793–1794 гг. // Вестник Императорского Русского географического общества. Ч. 22. – СПб., 1858. – С. 87–116; Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного сию страну для переговоров. Т. 1. – М., 1819; Т. 2. – М., 1820; Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства // Записки Русского географического общества. Книга 5-я. – СПб., 1851. – С. 62–153; Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. Флигель-адъютанта Н.П. Игнатъева – СПб., 1897; Залеман К. Легенда о Хаким-ота // Известия АН. Т.9. – СПб., – 1898. – №2. – С. 105–150; Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего. – СПб., 1877; Бартольд В. В. Сочинения. Т.11. Часть 1. – М.: Наука, 1963. – С. 206; Вульфсонъ Э.С. Какъ живутъ сарты. – М.: Владимир Чичерин, 1908. – С. 60–74; Погодин А.Л. Жизнь Зороастра. – СПб.: Изд-во Попова, 1903; Олденбург С.Ф. Предисловие // Арнольд. Свет Азии. – 1906. – С. XX; Иностранцев К.А. О домусулманской культуре Хивинского оазиса. – СПб., 1911; Андреев М.С. Чилтаны в среднеазиатских верованиях / В. В. Бартольду. Сборник статей. – Ташкент, 1927. – С. 334–338.

³ Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – С. 351; Итина М.А. Хорезмийская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 4–21; Жданко Т.А. Этнографические исследования Хорезмской экспедиции (народы, проблемы, труды) // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 21–41; Лобачева Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков // Краткие сообщения Института этнографии им. Миклухо-Маклая. Вып. 34. – М., 1960. – С. 39–48; Задыхина К.Л. Узбеки дельты Аму-Дарьи. Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945–1948 гг. Т. 1. – С. 319–426; Снесарев Г.П. Реликты домусулманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969; Сазонова В.М. К этнографии узбеков Южного Хорезма // ТХАЭЭ. – М.: АН СССР, 1952. Т.1. – С. 247–318; Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Следы почитания огня в средневековом хорезмском городе (оссуарии) // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 105–112; Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и

Ўзбек халқи ижтимоий турмуш тарзидаги исломгача бўлган диний эътиқодлар излари сақланиб қолган урф-одат, анъана ва маросимларни очиб берувчи совет даври тадқиқотларида ҳам Хоразм воҳаси аҳолисининг ибтидоий ва зардуштийлик динлари излари акс этган маросим ҳамда анъаналар ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд⁴.

XX аср ўрталари – XXI аср бошларидаги хориж тадқиқотчилари асарларида ҳам Хоразм ўзбеклари урф-одат ва анъаларида зардуштийлик излари масаласига қисман тўхталинган⁵.

Мустақиллик шарофати билан қайта тикланган миллий қадриятларнинг муҳим бир йўналиши ҳисобланган урф-одат, анъана ва маросимлар тарихини ўрганиш ишлари кенг кўламда амалга оширилди⁶. Мазкур тадқиқот мавзуси яна кўплаб диссертация, монография ва мақолаларда ҳам қисман ўз аксини

Казахстана. – Л.: Наука, 1978. – С. 44–67; Аклиев А. Унижающие традиции // Наука и религия. – 1963. – №1. – С. 12–16; Басилов В.Н. След культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агиологии // Фольклор и историческая этнография. – М., 1983; Бертельс А.Е. Пери // Культура и искусство народов Средней Азии в древности и средневековье. – М.: Наука, 1979. – 192 с; Беленицкий А.М. О домусульманских культах Средней Азии // Краткие сообщ. института истории материальной культуры. Вып 28. – М., 1949. – С. 84–85; Демидов С.М. Легенды и правда о «святых» местах. – Ашхабад: Ылым, 1988. – 134 с.; Есбергенов Х.Е. Об изучении религиозных верований каракалпаков // Конкретные исследования современных религиозных верований. – М.: Наука, 1967. – С. 202–208; Кнорозов Ю.В. Мазар Шамун-Наби // СЭ. – 1949. – №2. – С. 86–98; Соколова З.Л. Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – 338 с.; Сухарева О.А. О культе мусульманских святых в Средней Азии // Труды Ин-та истории и археологии АН УзССР. – Ташкент, 1951. Т.2. – С. 159–178.

⁴ Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – 324 б.; Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 184 б.; Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда “муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент, 1963.

⁵ Abramson D., Karimov E. (2007) ‘Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State’, in: Sahadeo, Jeff, Russell Zanca (eds.) *Everyday Life in Central Asia Past and Present*. – Bloomington: Indiana University Press. – Pp. 319–338; Akiner, Shirin (2002). *Islam in Post-Soviet Central Asia: Contested Territory*. In: Andrea Strasser, Sigfried Haas, Gerhard Mangott, Valeria Heuberger (Hrsg.), *Zentralasien und Islam-Central Asia and Islam*. – Hamburg: Deutsches Orient-Institut. – P.73–102; Bennigsen A., Wimbush S.E. *Mystics and commisars: Sufism in the Soviet Union*. – London, 1985. – 203 p.; DeWeese Devin (1994) *Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tükles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition*: Pennsylvania State University Press; DeWeese, Devin (2002). *Islam and the Legacy of Sovietology: A Review Essay on Yaacov Ro’i’s Islam in the Soviet Union* // *In Journal of Islamic Studies*, 13 (3). – S. 298–330; Kandiyoti, Deniz & Azimova N. *The communal and the sacred: Women’s worlds of ritual in Uzbekistan* // *Journal of the Royal Anthropological Institute*. – 2004. – №10. – P. 327–349; Krisztina Kehl- Bodrogi. *Religiöse Heilung und Heiler in Choresm, Usbekistan*. Max Planck Institute for Social Anthropology working papers. Working Paper No. 73. Halle / Saale 2005. – 31 pp.; *Who owns the shrine? Competing meanings and authorities at a pilgrimage site in Khorezm Central Asia Survey*, 25(3). – 2006. – Pp. 235–250; Landesdell H. *Russian Central Asia including Kulja, Bokhara, Khiva and Merv*. Vol. 2. – London, 1885. – 732 p.; Malikov A. *Religious practices Pilgrimage. Central Asia* // *Encyclopedia of Women and Islamic Cultures*. Vol. 5. Practices, interpretations and representations. General editor Suad Joseph. – Leiden-Boston: Brill, 2007. – P. 325–326; Mehdi Ebadi. *Shrine Pilgrimage (Ziyarat) in Turco-Iranian Cultural Regions* // *International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage*: Vol. 4: Iss. 1, Article 7. Volume 4 (I) 2016; Potapovs Leonid Pavlovich. *Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus den Jahren 1928–1930*. Wraps. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowitz Verlag. – Wiesbaden, 1995. – 248 p.

⁶ Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнографик лавҳалар). – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 208 б.; Исоқов М., Сулаймонов Р. Зарадуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. – 1999. – №1. – Б. 45–54; Маҳмуд Сагтор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Чўлпон, 2007. – 192 б.; Жўраев М. Соч магияси билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий-методологик ёндашувлар. – Тошкент, 2004. – 191 б.; ўша муаллиф. “Қизил гул” сайлининг этнофольклористик таҳлиliga доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – №4. – Б. 13–19; Аширов А.А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Тошкент, 2001. – 32 б.; ўша муаллиф. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. – 275 б.; Абдолниёзов Б., Аҳмедов А. Хоразмнинг қадимги чорвачилиги ва “Авесто”. – Хива: Хоразм Маъмун академияси, 2001. – 140 б.

топганки, мавзуни ёритишда улардаги мавжуд маълумотлардан ҳам фойдаланилди⁷.

Хуллас, Хоразм воҳаси ўзбекларининг зардуштийлик излари акс этган анъана, маросим ва урф-одатлари мавзуси бир нечта авлод тадқиқотчилар томонидан таҳлил қилинган бўлса-да, ушбу муаммо тўла-тўқис ўз ечимини топмаганлиги ҳам маълум бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбек халқи моддий маданиятида зардуштийлик дини билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар**” деб номланиб, у учта параграфдан иборат.

Дехқончилик билан боғлиқ равишда ўтказилган урф-одат ва маросимлар турли аграр культларнинг магик (сеҳргарлик) кучига бўлган ишонч асосида шаклланган⁸.

Ўтмишда қорамол сўйилса, кушхонага бориб унинг қонини олиб, тупроққа қориштириб, далага тўкиш урф бўлган. Ушбу удум инсонлар наздида тупроқ унумдорлигини таъминлаган. Қорамолни Хоразм этнографиясида инонч сифатида эъзозланишининг илдизлари анча чуқур эканлиги шубҳасиз. Зеро, хўкиз эроний қабилаларнинг аксариятида асосий тотем вазифасини бажарган.

Қадимдан Хоразм воҳаси аҳолисининг кундалик ҳаёти сунъий суғорма деҳқончилик маданиятига асосланган бўлиб, деҳқончилик билан чамбарчас боғлиқ турмуш тарзи олиб борилган. Шу жиҳатдан олганда, сув билан боғлиқ тасаввурлар Хоразм воҳаси аҳолиси анъанавий турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, ҳозиргача Хоразмнинг баъзи жойларида ариқ соҳилидаги кудуқлардан қуёш кўтарилганидан кейингина сув олинади⁹. Чунки, Зардушт фалсафасига кўра, эрта тонгда кудуқ ёки ариқдан олинган сув табаррук ва муқаддас ҳисобланган. Зардуштийликда муқаддас булок “Ардви” деб аталиб, уни Амударё тимсолида тасаввур қилиб, муқаддас деб билганлар¹⁰.

⁷ Эсанов М.Х. Хоразмнинг илк темир ва антик давр ёдгорликларида Зардуштийлик диний ғояларининг акс этиши // Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 141–148; Умарзода М. “Авесто” сирлари // Жаҳон адабиёти. – 1997. – №4. – Б. 195–202; Абдуллаева Х. Халқона удумлар. Дарвешона – хайру эҳсон маросими // “Қашқадарё” газетаси. 2017 йил 18 март; Каримова Н. “Мавлуд маросимининг минтақавий хусусиятлари // www.muslimaat.uz; Қурбонова Д.Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти (архелогогик, ёзма ва этнографик манбалар асосида). – Тошкент, 2015. – 212 б.; Абидова З.Қ. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 24 б.; Базарбаев Ж., Хожаниязов Ф., Базарбаев Р. Эйёмги Окс дэрьясының төмениндеги Зардуштийлик излери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007; Камалова Р.С. Традиционное верование в семейно-бытовой обрядности каракалпаков. (XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс...канд.ист.наук. – Нукус, 1996. – 158 с.; Глеубергенова Н.А. Традиционное жилище каракалпаков XIX – начало XX вв.: Дисс...канд.ист.наук. – Нукус, 1996. – 168 с.; Есбергенова С. “Почитание животных в культовой практике каракалпаков (конец XX – середина XX вв.): Дисс...канд.ист.наук. – Нукус, 2001. – 155 с.; ўша муаллиф. О почитании верблюда у народов Южного Приаралья // ЭО. – 2014. – №4. – С. 119–126.; Турекеев К. Роль магических представлений в похоронной обрядности каракалпаков // О’zbekiston tarixi. – 2020. – №1. – С. 64-75; ўша муаллиф. Магические представления каракалпаков, связанные с детской обрядностью // ЭО. – 2020. – №5. – С. 76-95.

⁸ Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. – Б. 129.

⁹ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Гурлан шаҳарчаси. 2013 йил.

¹⁰ Рак И.В. Мифы древнего и раннесредневекового Ирана. – СПб., 1998. – 448 с.; Ртвеладзе Э.В. Об определении ряда географических терминов Авесты // “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. – Ташкент, 2000. – С. 34.

Курғоқчилик ва сувсизликдан азоб чеккан пайтлари ёмғир тоши (яда)дан фойдаланилган ҳамда Хоразм воҳаси аҳолиси орасида рангдор тошлар билан фол очиш анъанаси ҳозиргача сақланиб келаётганлиги ўз тасдиғини топди¹¹. Ёмғир чақириниш ва уни ёғдириш билан боғлиқ амаллардан яна бири “*Суст хотин*” маросими ҳисобланади¹².

Шу билан бирга Хоразмда “*дарё ҳомийлари*” ҳисобланган руҳларга эътиқод мавжуд бўлиб, хоразмликлар Ҳубби деб номланган дарё ҳомийсини ҳам улуғлаб, илоҳийлаштирган. Маҳаллий аҳоли сув тошқинлари бўлмасин, дея эрта баҳорда унга атаб қурбонликлар қилган¹³. Унинг дарё тубида яшайдиган аранглар билан кураши афсонасида ҳам сув культларига сиғиниш ўз аксини топган¹⁴.

Ҳуббининг онаси Ардвисура-Анахита ёки Анбар она ҳам хоразмликлар эътиқодида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган. Шунингдек, Анбар (Амбар) она образида фарзанд кўрмаган аёллар ҳар йили ўтказадиган “*Дарвешона*” маросимларида овқатни балиқларнинг ҳақи, дея дарё ва каналларга ташлаш одати ҳам воҳа аҳолиси турмушида сақланиб қолган¹⁵.

Одатда, деҳқонлар ҳосилни йиғиштириб чош (хирмон)га уйганларидан кейин “*Ҳақулло*” деб номланувчи маросимни ўтказишган¹⁶. Бунда чош эгаси етиштирилган ҳосилдан бир ғалвир буғдой олиб, уни худо ҳақи (*ҳақулло*)¹⁷ сифатида, етим-есир, бева-бечора, мухтож ва мискинлар, боқувчиси ҳамда қаровчиси йўқ киши (чолу кампир)ларга эҳсон қилган. Шунингдек, яна бир одатга кўра, хирмон эгаси қушларнинг ҳақи сифатида бир ҳовуч донни хирмонжой атрофига сепиб чиққан. Г.П.Снесаревнинг ёзишича, ушбу одатдан кўзланган мақсад, қуш кўринишида учиб келадиган аждодлар руҳини озиклантириш ва шод этишдан иборат бўлган¹⁸. Дала тадқиқотлари мобайнида Хоразм вилояти Хонқа тумани Сарапоён қишлоғида ушбу анъанага ҳали-ҳануз амал қилиб келинаётганлигининг гувоҳи бўлинди¹⁹.

Бундан ташқари, Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Мухомон қишлоғида “*янголик*” маросими ўтказилган. Ушбу маросимда аждодларимиз руҳи шод бўлади, деган ниятда мевалар пишган пайтда қабристонга мева-чева олиб борилган²⁰.

Хоразмдаги жониворлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар асосан уй ҳайвонларида намоён бўлган. Айнан уй ҳайвонлари орасида хўкиз, қўй, туя ва итга нисбатан алоҳида муносабат бўлган. “*Авеста*”да от, йирик шохли

¹¹ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Гурлан шаҳарчаси. 2013 йил.

¹² Маҳмуд Сагтор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 145–149.

¹³ Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 31–32.

¹⁴ Сазонова М. В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л.: Наука, 1978. – С. 86.

¹⁵ Снесарев Г. П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввлги маросимлари ва урф-одатлари / С. Рўзимбоев таржимаси. – Урганч: Қувончбек-Машхура, 2018. – Б. 154.

¹⁶ Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 142.

¹⁷ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа... – С. 57.

¹⁸ Снесарев Г. П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввлги маросимлари ва урф-одатлари / С. Рўзимбоев таржимаси. – Урганч: Қувончбек-Машхура, 2018. – Б. 216.

¹⁹ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хонқа тумани Сарипоён қишлоғи. 2019 йил.

²⁰ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Мухомон қишлоғи. 2020 йил.

қорамол ва майда туёқли уй ҳайвонларини парвариш қилганлар иймонли ҳисобланган²¹.

Қадимги Хоразм ҳудудларидан топилган кўплаб қабр ва остадонларда учрайдиган қўй суяги, қўй ва қўчқор тимсолидаги тақинчоқлар, зиёратгоҳ ҳамда муқаддас қадамжоларга эса эчки ва қўчқор шохларини илиб қўйиш одати, шунингдек, воҳа каштачилигида қўчқор ва унинг шохи безак сифатида қўлланиши маҳаллий аҳолининг қўй культига бўлган эътиқоди кучли бўлганлигидан далолат беради²².

Хоразм анъанавий удумларида айниқса қўчқор кенг қўлланилади. Унинг ўзи, аввало, аҳоли наздида девлар ва ёмон кўзларга қарши тумор вазифасини ўтаган. Шунинг учун қадимда ҳар бир хонадонда қўчқор боқилган. Ҳозирда эса ушбу удум трансформацияга учраб, унинг шохларини дарвоза пештоқига илиб қўйиш урфга айланган²³.

Шу билан бирга, воҳа аҳолиси боланинг биринчи тушган тишини қўчқорлар оёғи остига ташлаган ёки боланинг тиши чиқиши оғир кечса, қўчқорнинг калла суягини ирим қилиб боланинг боши устида бўлаклаган²⁴. Унаштирув маросимининг “*эшик очар*” удумида эса йигитнинг отаси ва яқин қариндошлари бўлғуси келиннинг уйига бўйнига оқ мато боғлаб қўчқор олиб боради²⁵.

Қорамоллар ҳам воҳа аҳолиси учун магик хусусиятга эга жонзотлардан бири ҳисобланган. Қўшчи хўкизлар “*сара хўкиз*” дея эъзозланиб, уларга ҳурмат кўрсатилган ва ётган жониворни беҳуда безовта қилиш ва унга нисбатан куч ишлатиш шармандали хатти-ҳаракат ҳисобланади²⁶. Баҳорда биринчи ҳайдов бошланганда унинг шарафига бўғирсоқ пиширилиб, хўкизларнинг шохи мойланган²⁷.

Хива ўзбеклари Амударёдан ариқ чиқаргандан сўнг хон фармонида биноан, 8–10 та сигир ва хўкизларни қурбонлик қилиб, ариққа ташлашган. Ушбу одат ҳам зардуштийликка хос олис ўтмиш анъаналарига бориб тақалиб, сув худоси Ардвисура-Анахита шарафига қурбонлик қилинган хўкиз “Авеста”да бир неча марта қайд қилинган²⁸.

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида шундай одат бўлганки, янги қурилган уй эгаси ўз дўстлари билан оилада фаравонлик ва хотиржамлик бўлиши учун уй атрофидан сигир айлантирган. Куёвнинг янги тушган келин атрофида уч марта сигир айлантириш удуми ҳам мавжуд бўлган²⁹.

²¹ Исҳоқов М. “Авесто”да чорва ва чорвадорлар // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2001. – Б. 45.

²² Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.: Наука, 1962. – С. 132; ўша муаллиф. Религия народов Средней Азии // Религиозные верования народов СССР. Т.1. – М., 1931. – С. 257–258; Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и верованиями (Вторая половина XIX – начало XX вв.) // СЭ. – 1983. – №6. – С. 78–79.

²³ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хонка тумани Сарипоён кишлоғи. 2018 йил.

²⁴ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований... – С. 316; Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Урганч тумани Қоровул кишлоғи. 2018 йил.

²⁵ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Урганч тумани Қоровул кишлоғи. 2018 йил.

²⁶ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани. 2012 йил.

²⁷ Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Вып. 2. – Сталинабад, 1958. – С. 61–62.

²⁸ Снесарев Г.П. Под небом Хорезма... – С. 116–117.

²⁹ Абдолниёзов Б., Аҳмедов А. Хоразмнинг қадимги чорвачилиги ва “Авесто”... – Б. 116.

Шовот Тупроққалъасидан бир нечта от ҳайкалчалари топилган бўлиб, бундай ҳайкалчаларнинг тарихий илдизи бронза даврига бориб тақалади³⁰. От ҳайкалчалари Қўйқирилганқалъанинг маданий қатламларидан ҳам топилган³¹. С.П.Толстов эса отларнинг Хоразм тасвирий санъатида етакчи ўрин эгаллаганига урғу беради³². Аммо, воҳа аҳолиси эътиқодида от иккинчи ўринни эгаллаган ва унинг маросим ҳамда удумлардаги роли унчалик катта эмас³³.

Хоразм воҳаси аҳолиси турмуш тарзида зардуштийлик билан боғлиқ тарзда туя култи ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мазкур жонзот аҳолининг маросим ва анъаналарида муҳимлиги жиҳатидан хўкиз, кўчқор, от ҳамда итдан кейинги ўринда турган³⁴.

Г.П.Снесаревнинг берган маълумотларига кўра, туя култининг излари қадимги хоразмликларда туянинг мўътабар ва пок жонивор сифатида эъзозланиши, уларни дарё сувини бошқариб турадиган афсонавий куч – араллар номи билан аталиши, “*туякўз*” деб аталувчи туморларни тақиш ва туя жунини магик хусусиятга эга бўлган восита сифатида кадрлаш каби удумларда кўзга ташланади³⁵. Хоразмда Султон Увайс туячилар ҳомийси ҳисобланади.

Хоразмликлар уй-жойларига муқаддас даргоҳ сифатида қараганлар. Воҳа ўзбекларининг ҳам янги уйга кўчиб кириш олдидан бажарадиган турфа хил расм-русумлари ва одатлари бўлиб, халқ тасаввурида ушбу амалларнинг бажарилиши оила аъзоларини келгусида бешиён яшашларини таъминлар экан. Хоразм воҳасида янги уйни қуришдан аввал қурбонлик қилишган. Ушбу маросим “*тирноқ тўйи*” (“тирноқ” – бинонинг пойдевори) деб аталган. Уй-жой қуриб битказилгандан сўнг янги уйда “ис чиқарилиб”, бўғирсоқ пиширилган. Хоразм вилояти Хонқа тумани Сарапоён қишлоғида ҳозиргача уй эгаси устага оқ мато буклами бурчагига “*хайрли бўлсин*”, деган маънода пул тугиб беради³⁶.

Хоразм воҳасида уй-жойлар билан боғлиқ мифологик тасаввурлар чуқур илдиз отган бўлиб, ҳатто қадимда турар-жойларни асровчи махсус илоҳлар ва культлар ҳам мавжуд эди. Жумладан, қурилиш соҳасидаги дев образи қиёфаси аввало, қурувчи сиймосини акс эттирган³⁷. Бу ҳам бевосита зардуштийлик анъаналарига бориб тақалиб, кейинчалик ушбу образ меъморчилик ҳомийси Хизр образи билан уйғунлашиб кетган³⁸.

М.В.Сазонованинг ёзишича, Хоразмнинг айрим туманларида бирор-бир хонадонда кетма-кет ўлим юз берганда, шу оила аъзоларидан қолганларининг

³⁰ Сарияниди В.И. Статуетки лошади с Алтын-депе // Кавказ и Восточная Европа в древности. – М., 1973. – С. 114.

³¹ Кой-қирилган-қалъа – памятник культуры древнего Хорезма. IV в до н.э. IV в н.э // ТХАЭЭ. Т. 5. – М., 1964. – С. 61.

³² Толтов С.П. Древний Хорезм... – С. 205, 291–294.

³³ Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари... – Б. 310.

³⁴ Цалкин В.И. Древнее животноводство племен Восточной Европы и Средней Азии // МИА. – 1966. – №135. – С. 113.

³⁵ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований... – С. 317–318.

³⁶ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хонқа тумани Сарапоён қишлоғи. 2017 йил.

³⁷ Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 164.

³⁸ Сухарева О.А. Вопросы о культе мусулманских святых в Средней Азии... – С. 172.

умрини асраб қолиш ниятида хонанинг ўлим содир бўлган қисмидаги томнинг икки тўсини ёки томнинг тўғри келган жойидан иккита тўсин, айрим туманларда эса томнинг барча тўсинлари бутунлай алмаштирилган³⁹.

Аждодлар руҳини рози қилиш мақсадида Хоразм вилоятининг Хонқа, Ҳазорасп ва Янгибозор туманлари аҳолиси янги уйнинг қурилиши яқунлангач, оламдан ўтган ота-боболари руҳига атаб “*ис*” чиқарганлар⁴⁰.

Янги уйга кўчиб киришда учта жихатга қатъий амал қилинган. Биринчиси – остонадан *туз* олиб кирилган, бу билан хонадон туз-насибали бўлиши ният қилинган. Иккинчиси – остонадан *нон* ва *ун* олиб кирилган. Бу билан янги хонадон аҳлининг ризқ-насибали, сертоле, ҳаёти тўкин-сочин ва фаровон бўлиши ният қилинган. Учинчидан, янги уй остонасидан ичкарига *кўзгу* – *ойна* олиб кирилган. Бу билан ушбу рўзғор аҳлининг ҳаёти ва турмуши ойнадай равшан, беғубор, нурафшон ҳамда мусаффо бўлиши худодан тиланган, яхши ният қилинган⁴¹.

Шунингдек, хоразмликларнинг уй-жойларида остона култи мавжуд бўлиб, Хоразмнинг жанубий туманлари аҳолиси орасида вафот этган марҳумни уйдан олиб чиқиш пайтида удумга кўра, тобут уч марта уй остонасига қўйиб-олингандан кейин ташқарига олиб чиқилган⁴².

Хоразм воҳаси ўзбеклари моддий маданиятининг узвий қисми бўлган кийим-кечаклар уларнинг турмуш тарзи тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган. Воҳа ўзбекларининг кийим-кечаклари ҳам ўз характериға кўра этнографик жихатдан кундалик, иш, тўй-ҳашам ва маросим кийимларига бўлинади.

Лачак кийиш маросими хоразмлик аёлларда қадимдан сақланиб келаётган урф-одатлардан бири ҳисобланади⁴³. Воҳа аёллари лачак кийиш учун, аввало, инсон бола-чақа ташвишидан тинчиган, яъни ўғил уйлантириб, қиз чиқариб, хотиржам бўлиши, шундан сўнггина лачак кийиши керак, деб ҳисобланган. Хива аёллари ушбу бош кийимни биринчи марта кийганларида маҳсус маросим – “*Лачак тўйи*” ўтказиб, кўчқор сўйганлар⁴⁴.

Аза либослари аёллар учун кўйлак ва рўмоллардан иборат бўлади. “*Аза кўйлак*” – ушбу кийим, одатда, марҳумнинг яқинлари – онаси, опа-сингиллари, аёли, қизи, амма ва холаси томонидан кийилади. Марҳумнинг “*қирқ тўлди*” маросими куни ёшлар аза кўйлагини ечади ва ушбу кийим одамларнинг кўзи олдида йиртиб ташланади. Мазкур одат “*кўйлак йиртар*” маросими деб ҳам аталади⁴⁵. Ушбу маросим “бундан буён орамиздан йўқотишлар бўлмасин ва бундай кўйлаклар бошқа кийилмасин”, деган ниятда бажарилган. Бошига мусибат тушган “эркак” киши азадорлик рамзи сифатида “*тахя*”, “*шерози дўпти*” ёки “*сувсар дўпти*” кийган.

³⁹ Сазонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма.... – С. 292–294.

⁴⁰ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Янгибозор тумани Чўполончи қишлоғи. 2017 йил.

⁴¹ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари.... – Б. 123.

⁴² Дала ёзувлари. Хоразм вилояти аҳоли пунктлари. 2017 йил.

⁴³ Нуруллаева Ш. Хоразм анъанавий кийимлари. – Тошкент: Янги нашр, 2013. – Б. 106.

⁴⁴ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хива тумани Саёт қишлоғи. 2016 йил.

⁴⁵ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Урганч тумани Қоровул қишлоғи. 2019 йил.

Воҳа ўзбеклари хонадониди бирон киши вафот этса, майит ўз уйида бир кун меҳмон қилинади (яъни, эртасига дафн этилади) ва аздор хонадонда уч кунгача таом пиширилмайди. Лекин, марҳумнинг жасади уйдан олиб чиқилиши арафасида унинг руҳи овқатланади, деган ақидага кўра, “*пўссиқ*” пиширилади⁴⁶. Ҳозирги кунда ҳам бирор фожеали ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлса, “*пўссиқ*” пиширилади ва маҳаллий аҳоли шеvasида ушбу маросим “*ис чиқариш*”, яъни оч руҳларга садақа қилиш, деб аталади.

Нон ёпиш ва пўссиқ пишириш удумлари ҳам ҳозиргача сақланиб келаётган асосий маросимлардан ҳисобланади. Пўссиқ марҳум ўлган куни ирим қилиниб 7 дона пиширилади, буни марҳумнинг яқинларидан бири бажаради ва шу кундан бошлаб ҳар куни пўссиқлар сони биттага камайтириб борилади. Ушбу одат марҳумнинг “*еттиси*” куни охириги бир дона пўссиқ пишириш билан ниҳоясига етади. Нон ва патирлар эса марҳум вафот этган куни ёпилади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбекларнинг оилавий ва тақвимий маросимларида зардуштийлик анъаналари**” деб номланиб, учта банддан иборат. Унда Хоразм ўзбекларида фарзанд туғилиши ва бола тарбияси билан боғлиқ урф-одатларда сақланиб қолган зардуштийлик излари, никоҳ тўйи ва мотам маросимларида қадимий диний эътиқодлар симбиози ҳамда тақвимий маросимларда зардуштийлик анъаналари излари масалалари таҳлил этилган.

Хоразм воҳаси аҳолисининг фарзанд билан боғлиқ маросимларига “*фарзанд туғилиши*”, “*бешик тўйи*”, “*соч тўйи*”, “*тушов кесди*” (бола оёғидаги чигалликни ечиш) ва “*суннат тўйи*” маросимлари киради.

Ўтмишда дунёнинг аксарият халқлари орасида тарқалган чилла одатига Хоразмда ҳам амал қилинган бўлиб, ушбу даврда аёл учун кўплаб тақиқлар жорий этилган. Ҳомиладорликдан фориғ бўлган аёлнинг чилла даврида ўтказиладиган тадбирлари моҳиятан икки маънога эга бўлган, биринчиси – чакалоқли аёл ёвуз руҳлар таъсирига осон тушиб қолиши ҳақидаги архаик тасаввурлар билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – чиллани аёл биологик жиҳатдан тоза бўлмаганлиги ҳисобга олиниб, у сув, нон, олов, овқат ва сигир сутини нопок қилиб қўйиши мумкин, деб ҳисобланган⁴⁷. Бундан ташқари, янги туғилган бола ва онанинг саломатлигини асраш ҳамда кўз тегишидан сақлаш мақсадида воҳа ўзбеклари хонадониди кўпинча *илиштирик* (четан) дарахтининг шохларини деворга илиб қўйиш одатига амал қилиб, у келган одамларнинг кўз кучи таъсирини қайтаради, деб ишонганлар⁴⁸.

